

# МУСАВВИР

Қамолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти  
Ёш олимлар ва ижодкорлар кенгаши илмий-оммабоп квартал газетаси



2016 йил - январь, февраль, март



## РУКНЛАР:

Институт ҳаёти

Устозлар ўғити

Ёш ижодкорлар

Назм ва наср

Табассум саҳифаси

## “ЭЪТИРОФ-2015”



2015 йил 21 декабр куни соат 18:00 да “Истиқлол” санъат саройида “ЭЪТИРОФ-2015” тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Маросимда санъат, маданият ва спорт соҳаларига оид қатор номинациялар бўйича ғолиблар номи аниқланди. Шунга кўра, “Йилнинг энг яхши ҳунарманди” номинацияси бўйича “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони совриндори, “Жасорат” медали соҳиби, Республика “Ҳунарманд” уюшмаси аъзоси, Амалий санъат факультетининг Реклама ва амалий графика кафедраси ўқитувчиси, сомон санъати устаси Ж.Жумаев ғолиб деб топилди ҳамда диплом билан тақдирланди. “Йилнинг энг яхши ҳайкалтароши” номинацияси бўйича эса факультетнинг Ҳайкалтарошлик кафедраси ўқитувчиси Ж.Анназаров ғолибликни қўлга киритиб, диплом билан тақдирланди.



**14 ЯНВАРЬ -“ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ” МУНОСАБАТИ БИЛАН “ВАТАН ҲИМОЯСИ - МУҚАДДАС БУРЧ” ТАДБИРИ**

Жорий йилнинг 24 декабрь куни институтда 14 январь “Ватан ҳимоячилари куни”га бағишланган “Миллий армиямиз-ғуруримиз, ифтихоримиз” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбирни маънавият-маърифат ишлари проректори Д.Н.Раҳматуллаева кириш сўзи билан очиб, мухтарам Президентимизнинг 2015 йил 09 декабрдаги Р-4576-сонли Фармойишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида “Ҳарбий ватанпарварлик” оммавий-ватанпарварлик ишлари ойлиги муносабати билан институтда бир қатор тадбирлар режалаштирилганлиги, бугунги давра суҳбати ва ёшлар билан учрашувнинг талаба-ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида гапириб, сўзни Ўзбекистон Бадий Академияси раиси, академик, Ўзбекистон халқ рассоми





А.В.Нуриддиновга берди. Ҳарбий хизматчиларнинг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг мамлакатда тинчлик ва осойишталикни сақлашдаги ўрнини таъкидлаб, 14 январь “Ватан ҳимоячилари куни” билан барча иштирокчиларни самимий табриклади.

Тадбирда Ўзбекистон Қуролли кучлари Марказий ашула ва рақс ансамбли ҳамда “Алоҳида намунали ҳарбий кўргазмали оркестр”нинг концерти намойиш қилинди. Саҳнада ҳарбий хонандалар ўзларининг “Ватан, мустақиллик, тинчлик, бунёдкорлик”ни тараннум этувчи кўшиқлари қуйланди.

Байрам дастуридан бўлажак рассом-талабаларнинг ҳарбийлар билан мутахассислик дарсларини ўтказиши ўрин олган эди. Бунга кўра меҳмонлар рассомлик устахоналарига таклиф этилдилар ва уларнинг портретларини институтнинг Тасвирий санъат йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабалари чизишлари лозим бўлди. Шундай қилиб, Ватанпарварлик мавзусини акс эттирган “Энг яхши ижодий иш” тасвирий санъат, плакатлар, фотография танлови учун







тайёргарлик жараёни старт олди.

Шунингдек, офицерлар институт фойёсида ташкил этилган “Институт талабаларининг ижодий ишларидан кўргазма” ни томоша қилдилар.

Учрашув якунида институт ректори Х.Р.Аминов институт профессор-ўқитувчилари ҳамда талаба-ёшлари номидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлигига, ташаббускорлари ва ташкилотчиларга миннатдорчилик билдириб, институт учун бугунги самимий учрашувнинг тарбиявий аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

Тадбир барча йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, ҳарбий хизматда йигитлик бурчини ўтаётган ҳарбий аскарлар ҳамда талабалар учун унутилмас эсдалик бўлди.

Тадбир тўлалигича фототасвирга муҳрланди. Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг “Маданият ва маърифат” ҳамда “Тошкент” каналларида намоиш этилди.

**Маънавият, маърифат ва иқтидорли  
ёшлар билан ишлаш бўлими**

## “МЕНИНГ АРМИЯМ- МЕНИНГ ФАХРИМ!”



Жорий йилнинг 7 январь куни “Ватан ҳимоячилари куни” муносабати билан Тошкент фотосуратлар уйида “Менинг армиям-менинг фахрим!” мавзусида ижодий ишлар танлови якунлари бўйича тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда танлов таъсисчилари сифатида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Бадий Академияси вакиллари ҳамда Камолиддин Бехзод

номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ректори Х.Р.Аминов, Маънавият ва маърифат ишлари проректори Д.Н.Раҳматуллаева ҳамда институт профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалар иштирок этдилар.

Танловни ўтказишдан мақсад Қуроли Кучлар микёсида ўтказилган ислохотлар, эришилган ютуқлар, Миллий армиямизнинг жамият ва давлат олдидаги аҳамияти ва ўрни, халқимизнинг тинчлиги, юртимиз фаровонлигида ҳарбий хизматчиларнинг ҳиссасини кенг тарғиб этиш ҳамда Қуроли Кучлар, Ватан ҳимоячиларининг ёрқин, ижобий образини яратиш ва уни тарқатиш, халқ ва армия бирдамлигини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчиларда, Ватанга хизмат қилиш йўлидан бораётган ёшларда ўз бурчига садоқат туйғусини уйғотишдан иборатдир.

Танловда профессионал ва ҳаваскор рассомлар Мустақиллик йилларида босқичма-босқич амалга оширилаётган ишлар, ҳар томонлама мукамал армияни ташкил этиш борасидаги ислохотларни асарларида акс эттирдилар.

Кўргазмада 180дан ортик ижодий иш 80 нафар муаллифнинг расмлари, шунингдек, бисер, ип, тошлар билан безатилган ва халқ амалий санъатининг бошқа турлари бўйича қилинган ишлар намойиш этилди.

Тадбирда танлов ғолиблари диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

*Д.Абдиқаримова  
Маънавият, маърифат ва иқтидорли  
ёшлар билан ишлаш бўлими услубчиси*

## 14-январь “ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ” муносабати билан ўтказилган тадбир

Жорий йилнинг 9 январь куни Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Медицина Академияси ҳамда “Тошкент тўқимачилик енгил саноат” институтлари ҳамкорликда бугунги кунда мамлакатимиз Ҳарбий Қуролли Кучларида хизмат қилаётган Ватан ҳимоячилари билан маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Тадбирга Олий Мажлис Сенати аъзоси,



Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо таклиф этилди. Шоир тинчлик, бунёдкорлик, мардлик ва жасорат туйғулари сингдирилган, оташин сатрлар ила битилган Ватан ҳақида, ёшликнинг пок орзу-ниятлари, самимий туйғулар изҳор этилган шеърларини ўқиб берди. Ташкил этилган тадбирда “Дастгоҳли рангасвир” йўналишида таҳсил олаётган 6 нафар талаба учрашувнинг меҳмонлари бўлган ҳарбийларнинг суратларини чиздилар.

Ҳамкорлар томонидан ташкил этилган учрашувда Ватан, мустақиллик, тинчлик, бунёдкорликни тараннум этувчи концерт дастури намойиш қилинди.

Тадбирда “Дастгоҳли рангасвир” кафедраси ўқитувчиси Қозим Умурзоков иштирок этди.

*Д.Н.Рахматуллаева  
Маънавият ва маърифат  
ишлари проректори*





## “СРЕДНЕВЕКОВЫЕ БИБЛИОТЕКИ БУХАРЫ (НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ИСТОРИИ И АРХИТЕКТУРЫ)”

2015 йил 22 декабрь куни Маънавият хонасида ёш олимлар ва магистрларни илмий-тадқиқотга йўналтириш мақсадида Музейшунослик кафедраси профессори, м.ф.д. М.А.Юсупова томонидан «Средневековые библиотеки Бухары (некоторые аспекты истории и архитектуры)» мавзусида маъруза ўтилди.

Тадбир “Музейшунослик” кафедраси ва “Ёш олимлар ва ижодкорлар кенгаши” томонидан ўтказилди.

Унда институтнинг катта илмий ходим-изланувчилари, мустақил тадқиқотчилар, магистрлар ва Санъатшунослик факультети талабалари иштирок этишди.



Маърузада Бухоро меъморий мактабининг тадрижи ва ўзига хослиги, қурилиш техникаси (уч қатламли деворлар, баланд тош-ғиштин платформалар, тош изоралар ва уларнинг бурчак устунчалари) хусусиятларини Марказий Осиё меъморчилигини ривожланишида қўшган ҳиссаси ёритилди.

Маъруза санъатга қизиқувчан ёшларда катта таассурот қолдирди.



## Алишер Навоий (1441-1501)

XV аср жаҳон маънавиятининг буюк сиймоси Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳижрий 844 йил рамазон ойининг 17 куни (1441 йил 9 феврал)да Ҳиротда туғилган. Ҳирот шаҳри XV аср биринчи ярмида Соҳибқирон Амир Темур асос солган улуғ салтанатнинг иккинчи пойтахти, Темурнинг кенжа ўғли Шохрух Мирзонинг қўл остидаги обод манзилларидан бири эди. Алишер туғилган хонадон Темурийлар саройига азалдан яқин ва юртда муайян нуфуз соҳиби эди.

Бўлғуси шоирнинг отаси Ғиёсиддин Муҳаммад ўғлининг тарбиясига жиддий эътибор берди.

Алишернинг шеъриятдаги илк устози тоғаси Мир Саййид Кобулий ва Муҳаммад Али Ғарибийлардир. Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида Кобулий ҳақида: «Яхши таъби бор эрди, туркчада майли кўпроқ эрди...» деса, Ғарибий ҳақида: «Хуш муховара (хушсӯхбат) ва хушхулқ ва дардманд йигит эрди. Кўпроқ созларни яхши чалар эрди. Уни ва усули хўб эрди. Мусиқий илмидин ҳам хабардор эрди...» — дейди.

1447 йилда Шохрух вафот этгач, Темурий шахзодалар ўртасида тож-тахт дарди хуруж қилиб, юртда талотўп бошланди ва Ғиёсиддин Муҳаммад хонадони ҳам кўп қатори ватанни тарк этди. Ёш Алишер учун тақдир синовлари бошланди. Шохрухнинг набираси Абулқосим Бобур 1452 йилда Ҳирот тахтига ўтиргач, Алишернинг отасини Сабзаворга ҳоким этиб тайинлади. Лекин орадан кўп ўтмай Ғиёсиддин кичкина дунёдан кўз юмди. Бу пайтда Алишер эндигина 12 ёшга қадам қўйган эди. Абулқосим Бобур Алишер ва унинг мактабдош дўсти Ҳусайнни ўз тарбиясига олди, 1456 йили эса ўзи билан Машҳадга олиб кетди. Кейинчалик Ҳусайн Бойқаро сипоҳийлик йўлини танлади, Алишер эса замонанинг «малик ул-калом»и Мавлоно Лутфий таҳсини ва хайратига сазовор бўлган истеъдод эгаси бўлиб етишди. «Ғақирнинг назмлари Хуросонда шуҳрат тутиб эрди», деб ёзади Навоий 1455-1458 йиллар ҳақида.



Тақдир Алишер Навоийни замонанинг улуғ ва шарафли кишиларига яқин қилди, устоз-мураббийлик этувчи зотлар билан ошно этди. 1466—1468 йиллар Алишернинг умри асосан Самарқандда кечди. Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳиротни эгаллаганда, Алишер Навоий 28 ёшли мукаммал билимлар эгаси, юртга танилган шоир ва тажрибали давлат арбоби даражасига етишган эди.

1469 йилда Султон Ҳусайн илтимосига кўра Алишер Навоий Самарқанддан Ҳиротга қайтади ва рамазон ҳайити муносабати билан дўсти шарафига битилган «Ҳилолия» қасидасини унга тақдим этади. Ҳусайн Бойқаро Алишерни муҳрдор қилиб тайинлайди ва шу пайтдан шоирнинг эл хизматидаги фаол жидду жаҳди бошланади. Кўп ўтмай Навоий муҳрдорликни ўзининг яқин дўсти ва фикрдоши, шоир Амир Шайхим Сухайлийга топширади. «Бу нозиктаъб ва зукко Амир 20 йилдан ортиқ Бойқарога мулозим бўлди». Лекин Бойқаро дўстининг норозилигига ҳам қарамай, 1472 йил февралида уни вазир лавозимига тайинлайди ва «Амири Кабир» («Улуғ Амир») унвонини беради. Бу лавозимда Навоий эл-улус манфаати, шаҳар ва мамлакат ободончилиги, маданият равнақи, адолат тантанаси учун фойдаланадики, буларнинг барчаси пировард натижада Султон Ҳусайн давлатининг барқарорлиги ва нуфузини таъминлайди.

Ҳирот бу даврда ниҳоятда кўркамлашди, халқ турмуши яхшиланди, шеърият, нафис санъатлари ривож олди. Талабалар учун «Ихлосия» мадрасаси, дарвешлар учун «Халосия» хонақоҳи, беморлар учун «Шифоия» шифохонаси, масжиди Жомеъ ёнига қорихона («Дор ул хуффоз») қурилди. Улуғ амирнинг кутубхонасида 70 дан ортиқ хаттот ва мусаввирлар қўлёзмаларни оққа кўчириш, уларни бадиий безаш билан банд эдилар. Ҳиротда яна «Низомия», Марвда «Хусравия» ва бошқа мадрасалар бино этилди.

Навоий Мадраса, шифохоналар қурдириб қўя қолмасдан, уларни керакли даражада жиҳозлаш, ўз-ўзини таъминлаш учун вақф ерлар ажратиб бериш, мударрислар, табиблар ва бошқа ходимлар билан таъминлаш, уларга ойлик маош, озуқа, кийим-бош белгилашгача, талабалар нафақаси ва китобларигача, барча-барчасини мукаммал бошқариб, ташкил этиб берар эди ва ўзи доимо хабар олиб, назорат қилиб туришни ҳам унутмасди. Бинолар қурилиши тарҳи билан бевосита шуғулланар, уста ва шогирдлар меҳнатидан бохабар бўлиб турарди. Шоир ўз хузурига тез-тез шеър, илм ва санъат аҳлини чорлаб, маърифий суҳбатлар уюштириб турар, ёш истеъодларни тарбият қилиб, уларга шароит яратарди. Хондамир, Бехзод, Восифий ва ўнлаб ушбу тарбиятга ноил бўлган истеъод эгалари шулар жумласидандир.

Шу давр ичида Алишер Навоий ўз қўли билан биринчи девони «Бадойи ул-бидоя» («Бадийлик ибтидоси»)ни тузди. Бу девонга унинг ёшлик ва йигитлик пайтларида ёзган 800 дан ортиқ шеърлари жамланган бўлиб, шоир ижодий камолотининг биринчи босқичини акс эттиради.

Алишер Навоийга бағишланган тарихий ва илмий асарларда батафсил тавсиф қилинишича, 1469—1481 йиллар Алишер Навоийнинг ижтимоий ҳаёт ва ободончилик борасидаги энг фаол хизмат кўрсатган йиллари бўлган. Шоир 1481 йили «Вақфия» асарини ёзиб, унда ўзининг бинокорлик ва хайрия ишларига якун ясаб, ўз-ўзига ҳисоб берган.




Навоий деҳқончилик ишларини йўлга қўйиб, жуда яхши натижаларга эришган. Тарихчиларнинг ёзишича, Навоийнинг бир кунлик даромади 18 минг шохрухий динор миқдорида эди. Улуғ Амир бу даромаднинг кўп қисмини хайрли ишларга сарф қилган. Тарихчи Хондамир Навоий қурган 52 работ, 20 ҳовуз, 16 кўприк, бир қанча тўғон, ариқ, ҳаммом, масжид-мадрасаларни эслайди. Навоий турли соҳа олимларига ҳомийлик қилиб, ўнлаб илмий рисолалар битилишига бевосита сабабчи бўлган.

Алишер Навоий ўзи ва салафлари — Низомий, Деҳлавий, Ҳофиз, Ироқий ва бошқалар яратган мустақил бадиий тафаккур тарзини «мажоз тариқи» деб номлади ва унда Ҳақ асрори «мажоз сувратинда» акс этишини таъкидлаган. Бу Борликни ўзига хос идрок этиш тарзи Нақшбандиянинг: «Дил ба ёру даст ба кор», қондасига мувофиқ бўлиб, унда ибрат, илм, ирфон ва амал бир нуқтада бирлашар ва янги дунёга кўз очарди. Тавҳид таълимоти ва эътиқодини идрок этишнинг энг юқори босқичи бўлган бу дунёқараш тизими «Хамса» ва «Лисон ут-тайр» асарларида, шоир лирикасида бадиий инъикосини топган.

1500 йилларга келиб шоирнинг ҳаёт шароити қийинлашиб, соғлиги заифлашиб қолса-да, ижоддан тўхтамади. 1501 йилнинг бошида Навоий касалликдан вафот этди. Бутун Ҳирот халқи ўзининг буюк шоири билан хайрлашишга чиқди ва 7 кун давомида мотам тутди.

Навоий ўз ижоди билан ўзбек адабиётининг сўнгги ривожини белгилабгина қолмай, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг бутун маънавий маданияти тараққиётига жуда катта таъсир кўрсатди. Унинг асарлари, шеърляти қайта-қайта кўчирилиб, халқ орасида кенг тарқалиб, шоирлар учун мактаб вазифасини ўтади, мадрасаларда кенг ўрганилди.

Алишер Навоий ижодини ўрганиш, унинг илмий таҳлили бўйича сўнгги йилларда қатор таникли тадқиқотчилар иш олиб бордилар ва бугунги кунда ҳам Навоийнинг мероси кўпгина олимларимизни илҳомлантириб келади. Ҳозирда мактаблар, хиёбонлар, кўчалар буюк шоиримиз номи билан юритилади. Унинг номида Ўзбекистон Давлат мукофоти таъсис этилган.



## ЖАМШИД ОДИЛОВ ИЖОДИДА ГРОТЕСК ВА РЕАЛИЗМ

Ҳозирги кун замонавий Ўзбекистон тасвирий санъати йўналишида ижод қилаётган рассомлар ижтимоий ҳаётда юз бераётган ижобий ва салбий воқеаларга инсонлар орасида турлича муносабатлар билдирилиши каби ҳолатларни тасвирлаш билан жавоб беришга инитилишлар кузатилмоқда. Бу ҳол табиий жараён, албатта. Бундай ҳаётда юз бераётган юзаки, лоқайд ёки бошқаларнинг лакмалигидан фойдаланиб қолувчи виждонсиз инсонлар кўпайиб қолганлигини биринчи бўлиб ижодкор халқ ёзувчи, шоир, рассом ва бошқа санъат вакиллари асарларида кўриш мумкин бўлади. Улар танқидий, ҳажвия, шарж кўринишида учрайди. Бу каби суратларни асосан ва кўп ҳолларда график рассомлар ижодида учратса бўлади. Бироқ, рангтасвир йўналишида асарлар яратаётган рангтасвирчи рассомлар ижодида ҳам шундай йўналишда таъсирчан, кутилмаган композицион ечимлар қўллаган ҳолда ҳаётдаги муаммоларни бирмунча бўрттирилган шакллар, ранглар ва чизиклардан фойдаланиб, ифодалашга интилишлар ҳам кузатилмоқда. Тўғри, шу каби мавзуларда асар ёзишга кекса ёки ўрта бўгин рассомлардан кўра, ёш, ижодга эндигина кириб келган қайноққон рассомлар мойил бўлишади. Чунки, улар ҳаётда бўлаётган ноҳақликларни ўз кўзлари билан ҳар кун кўрадилар, ўз ижодларида кутилмаган йўлларни топиш мақсадида шундай мавзуда, лекин томошабин дарҳол тушуниб, англаб ета олмайдиган янгича композицион ечимларни қўллашга интиладилар. Бу ҳол кўпинча замонавий тасвирий санъатга, янгича, ўзига хос ёндашишлар олиб киришларига имкон яратади. Бундай ёндашиш баъзан мазкур рассом ижодига санъатшунослар ва танқидчилар томонидан сўзсиз қизиқиш, эътиборни келтириб чиқаради. Шундай ҳолат ёш, ижодкор рассом Жамшид Одилов ижодий фаолиятида содир бўлди. У бир неча марта унча катта бўлмаган кўرғазмалар ташкил қилди. Илк кўрғазмаси Дизайн фирмасига қарашли кичик бир залда бўлиб ўтди, у ерда ўн-ўн бештача асарлари намойиш этилди. Уни мўъжаз кўрғазма деб аташ мумкин. Сўнг 2015 йил куз фаслининг ноябр ойларида Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида шахсий кўрғазмаси ташкил этилди. Шу кўрғазма сабаб бўлди-ю, унинг асарлари билан кўплаб санъатшунослар, танқидчилар, талабалар ва оддий томошабинлар танишдилар. Тез орада ёш ижодкорнинг рангтасвир асарлари билан қизиқувчи санъатшунослар уларга ўз муносабатларини билдира бошлади. Шу орада Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида ҳар йили Санъатшунослик факультетининг 3-курсда санъатшунослик доктори, профессор А.Ҳакимов томонидан ўтказилиши анъанага айланиб қолган “ЭГО” номли илмий-экспериментал назарий анжуман ташаббускори ва бевосита раҳбари талабаларга мавзу танлашни топширган эди. Бу анжуманнинг ташкил этилганига 15 йил тўлганлиги сабабли уни ўзига хос байрам сифатида ўтказиш фикри пайдо бўлди. Ушбу мавзунини кутилмаганда мазкур курс талабаси Мавлонова Моҳигул ёш рассом Жамшид Одилов ижодида “гротеск ва реализм” деб номлаш таклифини берди. У рассом кўрғазмасидаги асарлари билан танишишга улгурган эди. Ижодкорнинг асарларидаги кутилмаган тасвирий шакллар, ғалати композицион ечимлар ва рангларнинг ғаройиб танланиши ва унинг ижодидаги ўзгача ёндошув талабада қизиқиш уйғотган эди.

А.Ҳакимов анжуман мавзуси М.Мавлонованинг таклифи бўйича “ЭГО.XV.



Ўзбекистон замонавий санъатида шахс концепцияси: мимесисдан гротесккача” деб номланди. Талабанинг мавзуси “Гротеск ва Реализм” деб аталди. Бу мавзу айнан Ж.Одилов асарларининг таҳлили бўйича Моҳигулга берилди.


Ж.Одиловнинг устахонасига бориб, унинг ижодий асарларини бирма-бир кўриб, уларнинг ишланиши, рангларнинг берилиши ҳамда бошқа рассомларга ўхшамаган томонлари бўйича суҳбатлашилди. Асарларининг фотосуратлари олинди. Биз ижодкор ўйлаётган, ижтимоий ҳаётда бўлаётган воқеаларни унча-мунча инсоннинг ҳаёлига келмайдиган, ноинсоний муносабатларни ўйлаб, ғайриоддий шаклдаги мавзули рангтасвирларини қандай бўлса шундай таҳлил қилиш асосида ўз фикр ва муносабатларини қоғозга туширишининг гувоҳи бўлдик.


Анжуман куни ҳамма иштирокчилар навбатлари билан ўз фикр ва мулоҳазаларини кузатувчилар эътиборига ҳавола қилишди. М.Мавлонова ўзини эркин тутган ҳолда, рассом асарларини экспрессив, фовизм ёки кубизмда ишлангани, бошқа янги пайдо бўлаётган измлар ва уларда ижодкор олдига қўйган ноодатий, нотабиий шаклий рангларни кескин тарзда қўллаш билан рассом олдига қўйган мақсад ва вазифаларини ифодалаб беролганлигини тушунтириб берди. Маъруза барчага маъқул келди. Ёш санъатшунос биринчи илмий ва ижодий маърузасини деярли етук санъатшунос мутахассис каби аудиториядагиларга етказиб беришга муваффақ бўлди. Уларда рассом асарларини қиёсий таҳлиллар қилинганлиги анжуманнинг ютуғи деб, - айтди тадбирга ташриф буюрган Бадий Академия бош илмий котиби Абдумажид Мадраимов. Бундай анжуманларнинг тез-тез ўтказилиб турилиши бўлажак санъатшуносларнинг билимини чархлайди.

Анжуманнинг бошқа қатнашчилари томонидан қуйидаги мавзулар бўйича маърузалар қилинди:

- 1.Имомова Гули. “Ўзбек замонавий портретида Европа анъаналари”.  
Координатор – Назокат Аҳмадалиева.
- 2.Арушанова Манушак. “Гротеск ёлғизлик драмаси сифатида”.  
Координатор – Шухрат Абдуллаев.
- 3.Мухаммаджонова Муниса. “Романтизм как инструмент десоциализация женских образов”. Координатор – Шахло Абдуллаева.
- 4.Ашурова Дилором. “Замонавий ўзбек рангтасвирида реалистик портрет анъаналари”. Координатор – Дилзода Алимқулова.
- 5.Бондарева Валерия. “Замонавий ўзбек рангтасвирида бегоналашув фалсафаси сифатида”. Кординатор – Елена Филатова.
- 6.Мавлянова Моҳигул. “Жамшид Одилов ижодида гротеск ва реаллик”.  
Координатор – Тўлқин Аҳмедов.
- 7.Каримова Шаҳноза. “Оилавий портрет замон акси сифатида”.  
Координатор – Сухроб Қурбонов.
- 8.Нурматова Насиба. “Миллий рангтасвирда автопортрет фалсафаси”.  
Координатор – Равшан Фатхуллаев.
- 9.Шардиметова Юлдуз. “Арт трио-бюртма портрет эстетикаси”.  
Координатор – Иброҳим Абдурахмонов.

Мазкур юқорида мавзулари ва исмлари тилга олинган талабаларнинг барчаси





мавзуси моҳиятини имконияти даражасида очиб беришга муваффақ бўлишди. Улар рассомлар асарларини, реалистик ва бироз бўрттирилган, ўз даврига мос фалсафий моҳиятини бир-биридан қиёсий таҳлил қилиш асосида ёрита олишди. Тўғри, айрим талабаларда бироз тутилишлар, томошабинлар олдида чалғиш ҳоллари бўлди, албатта. Бироқ, улар биринчи бор кўпчилик устозлар, меҳмонлар ва талабалар олдида тайёрлаган мавзуларини ўртага олиб чиқиб, маъруза ва презентация кўринишида тушунтириб бердилар ҳамда асарларни мустақил равишда таҳлил қила олдилар. Бу уларнинг катта ютуғидир. Анжуманни ўтказишдан мақсад ҳам аслида шу эди. Талабалар ўзлари тайёрлаган мавзуларини аудитория олдида маъруза қила олиш ва ўз фикрларини эркин тарзда кўпчиликка етказа олиш маҳоратларини оширишдан иборат эди. Уларнинг чиқиши анжуманга ташриф буюрган барча меҳмонларга маъқул бўлди. Улар анжуман бошидан охиригача ўтириб тинглашди. Бундан кўриниб турибдики, “ЭГО XV” анжумани муваффақиятли ўтди. Уни амалга оширишда Санъатшунослик факультети, “Тасвирий санъат тарихи ва назарияси” кафедраси ҳамда “Ёш олимлар ва ижодкорлар кенгаши”нинг роли катта. Бу каби анжуманлар талабаларнинг санъатшунослик маҳоратларини ривожлантиришга ва рассомлар асарларини эркин таҳлил қила олишга, уни кўпчилик олдида эркин айта олиш қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қилади. Анжуманда ишлари таҳлил қилинган барча рассомларнинг асарлари ҳозирда Ўзбекистоннинг музейлари ва Галереяларида сақланмоқда.

*Тўлқин Аҳмедов*  
*К.Бехзод номидаги МРДИ доценти*



## “МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ” АСАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УНДАГИ ТАЪРИХ САНЪАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Улуғ мутафаккир ва буюк шоир Алишер Навоий қаламига мансуб “Маҳбуб ул-қулуб” асари барчамиз учун йирик насрий мерос ҳисобланади. “Маҳбуб ул-қулуб” “Қалбларга севимли бўлган китоб” маъносини беради. Уни “Дилларга ошно асар” ёки “Қалбларга яқин китоб” деб таржима қилиш ҳам мумкин. Навоий мазкур асарни умрининг сўнгида 906-(1500-1501) йилда яратган. Навоийшунос олима Суйима Ғаниева таъкидлаганидек, “У муаллифнинг ғоят мазмунли ва сермашаққат ҳаёти давомида тўплаган бой тажрибаси ва хулосаларининг йиғиндисидир”. Унинг турли вақтда кўчирилган бир қанча қўлёзмалари Тошкент, Санкт-Петербург, Париж ва Истанбул кутубхоналарида сақланмоқда.

Асарнинг композицион қурилиши ўзига хос бўлиб, у 3 қисм, 127 та танбех, 13 та ҳикоятдан иборат. Филология фанлари доктори, профессор Шухрат Сирождидиновнинг ёзишича, “Унинг уч қисмга бўлиниши бежиз эмас. Навоийнинг мақсади бўлган панд-насихат ва танбехлар туркуми учинчи қисмда келтирилган. Биринчи ва иккинчи қисмдаги мулоҳазаларни келтиришдан мақсад нима эди? Навоий панд-насихатдан олдин ўқувчига жамият ҳақида, уни асраб турувчи маънавий устунлар ҳақида билим ва тушунча бериб ўтишни зарур деб билади. Шу боисдан асарни дабдурустдан қуруқ насихат қилишдан бошлашни маъқул кўрмайди. Дастлаб у ўқувчини муайян тайёргарликдан ўтказган.”

Асарнинг биринчи қисми “Соир ун-носнинг афъол ва аҳволи кайфияти” (“Ҳар хил тоифа одамлар феъл-атвори ва аҳволи кайфияти”) деб номланади ва у 40 фаслдан иборат. Мазкур қисмда “эгаллаган вазифаси, кўрсатилажак таъсири жиҳатидан жамият тараққиётида белгили мавқега эга қирқ тўққиз тоифа аҳлининг феъл-атвори, аҳволи хусусида фикр юритилади. Бу сафда шохдан гадогача бўлган аксарият тоифа аъзоларини учратиш мумкин”.

“Маҳбуб ул-қулуб”да сажъ ва бошқа бадий санъат турларидан моҳирона фойдаланилган. Навоий фикрларини далиллаш мақсадида ҳар бир тоифага берилган тавсифдан сўнг шеърий изоҳлар келтиради. Чунончи, ҳисоб-китобларга кўра биринчи қисмда 7та маснавий, 17та байт, 3та назм, 6та рубоий ва 7та қитъа берилган. (Асарнинг муқаддима қисмида 2 та қитъа, 2 та маснавий, 1та рубоий, 1та байт баён этилган.)

“Маҳбуб ул-қулуб”нинг иккинчи қисми “Ҳамида афъол ва замима ҳисол



хосияти” (“Яхши феъллар ва ёмон хислатлар хосияти”) деб номланган бўлиб, унда комилликка эришиш йўли, тасаввуф тамойиллари ҳақида фикр юритилади. “Ушбу қисмдан ёмонликлардан мосиво бўлишнинг энг тўғри йўли нафсни риёзат билан мавҳ этиб сабр-у каноат билан пок яшаш, руҳни чиниқтира бориб, ҳамиша ахлоққа эришиш хусусида фикр юритилади. Нафсни мағлуб этиб, илоҳий файздан баҳра олишнинг дастлабки бекати-тавбадир. Тавбадан мурод ҳақ йўлига кирган солиқнинг барча ёмон ишлардан огоҳ бўлиб, улардан буткул воз кечиши, ҳар тарафлама покланишдир”. Мазкур қисмдан 1 та маснавий, 3 та қитъа, 4 та рубой, 14 та байт ўрин олган; назм жанридаги намуналар келтирилмаган.

Асарнинг учинчи қисми “Мутафарриқа фавоид ва амсол сурати” (“Турли фойдали маслаҳатлар ва мақоллар”) деб номланган. “Бу бўлимда одоб ва ахлоқ масалаларига доир тўрт юзга яқин мақол ва ҳикматли сўзлар танбехлар шаклида қўлланилган бўлиб, адиб улар орқали панд-насихат бериб, гўзал инсоний фазилатларни эгаллашга, ёмон иллатлардан сақланишга, илм ўрганишга, яхшиларга ёр, муҳтожларга мададкор бўлиб, халқ ва Холик олдидаги бурч, вазифаларини ҳалол адо этишга даъват этади”. Бу қисмда 56 та байт, 17 та қитъа, 12 та маснавий, 7 та рубой, 3 та назм келтирилган. Пандномада жами 22 маснавий, 19 рубой, 90 байт, 29 қитъа, 6 назм бор.

Умуман олганда, “Маҳбуб ул-қулуб”даги ҳар бир танбех, байт ёки қитъа ҳаётий ҳикмат даражасига кўтарилганки, бу танбехлар замирига халқнинг кўп асрлик ҳаёт тажрибаси давомида тўплаган мақол ва маталларининг мазмуни сингдирилган”. Китоб ҳар бир инсон эгаллаши лозим бўлган гўзал хулқ, юксак маънавият мезонлари ҳақида атрофлича маълумот беради.

Юқорида таъкидланган шеърий изоҳ турларидан ташқари асарда таърих шеърий санъатидан ҳам фойдаланилган. Таърих (ар. “юз бериш”) – бирор тарихий шахснинг туғилган ёки вафот этган санаси, бирор мухташам бинонинг қурилган йили, бирор машҳур китобнинг ёзилган даври очиқ эмас, балки араб алифбосининг махсус ҳарфлари воситасида ифодаланадиган санъат. “Маҳбуб ул-қулуб” асарида келтирилган таърих куйидаги тарзда баён этилган:

*Бу номагаким, лисоним ўлди қойил,  
Килким тили ҳар навъ эл ишига ноқил,  
Таърихи чу “хуш” лафзидин ўлди ҳосил,  
Ҳар ким ўқуса, илоҳи, ўлгай хушдил!*

Мазкур шеърий изоҳдаги “хуш” خوش сўзида иштирок этган учта ҳарфнинг сон

маъноларини абжад ҳисоби жадвалидан топиб қўйиш орқали таърих санъатининг жумбоғини ечиш мумкин. 600-خ, 6-و, 300-ش сонларини жамласак, 906 микдоридаги сон келиб чиқади. Бу 906 ҳижрий йил, милодий – 1486 йилга тенг бўлади. Мазкур кўрсаткич асар ёзилган йилга ишора ҳисобланади.

Ҳазрат Навоийнинг уммондек чексиз ижод намуналаридан бири ҳисобланган мана шу биргина “инжу” унинг нафақат улуғ мутафаккир, улуғ шоир, балки ўз халқи, миллати тақдирига бефарқ бўлмаган буюк мураббий эканлигидан ҳам далолат беради. У ўз умри интиҳосида ҳам миллат ва халқ дарди билан яшади. «Маҳбуб ул-қулуб» асарида жамият билан боғлиқ орзу умидларини ифодалади. Унда жамият ҳаётини юксалтириш, уни тўғри йўлга солиш ва шахс маънавиятини тарбиялаш каби ўзининг сўнгги армонларини васият қилиб қолдирди. Президентимиз Ислом Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида алоҳида таъкидлаганидек: “Инсон қалбининг қувонч-у қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Она тилига муҳаббат, унинг бекиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга, аввало Навоий асарлари билан кириб келади”.

Биз – Навоийнинг авлодлари унинг асарларини ўқиб-ўрганишимиз, шу билан бирга, уларда қўлланилган шеърий санъат турларидан (хусусан, таърих санъатидан) фойдаланган ҳолда ўз ижод намуналаримизни яратишимиз жоиз. Ана шундагина биз буюк аجدодларимиз қолдирган меросни биздан кейинги авлодларга ҳам қолдира оламиз.

*Раунова Дилором Дилмурод қизи,  
МРДИ санъатишунос*





## Diniy ekstremizm va terrorizm mening nazarimda... Jaholatga qarshi ma`rifat

Har bir inson yashar ekan, eng avvalo ma`naviy jihatdan bilimga ega bo`lishi kerak. Turli xil hayot zarbalariga bardosh berishi lozim. Bizning ma`naviy hayotimiz bugungi dunyoning past-u balandini tushunadigan har qanday aqli raso odam buni albatta yaxshi anglaydi. Biz muqaddas dinimizning xalqimiz tarixidagi ana shunday beqiyos o`rni va ta`sirini inobatga olgan holda, uni har tomonlama tiklab, hayotimizdan mustahkam o`rin olishiga harakat qilishimiz lozimdir. Ya`ni, bugungi kunda eng muhim muammolardan biri bu ekstremizm va terrorizmdir. Ekstremizm so`zi ``aql bovar qilmas darajada``, ``haddan oshish`` degani. Jamiyatda qabul qilingan qadriyatlar va me`yorlarga zid qarashlarni ilgari surish, keskin qarashlar va choralarga moyillik ekstremizmning asosiy xususiyati hisoblanadi. Ekstremistik va terroristik tashkilotlarga yangi a`zolarning qo`shilishi, ko`pincha, dinga kiritish, qabul qilishdek shakl-shamoyil kasb etadi hamda bir qancha tanlov va sinov bosqichlarini o`z ichiga oladi. Bu harakatning eng quyi tabaqasi ko`pincha siyosiy tusga ega bo`lmagan, mayda zo`rluk va jinoyatlar sodir etadigan unsurlar bilan bog`liq. Terrorizm jamiyatda beqarorlik keltirib chiqarish, aholining keng qatlamlarida vahima va qo`rquv uyg`otishga qaratilgan siyosiy kurashning o`ziga xos usulidir. U yashirin ruhdagi tashkilotlar tomonidan beqarorlik keltirib chiqarish orqali davlat hokimiyatini egallash maqsadida qo`llaniladi. Terrorchi uyushmalar ommaviy bo`la olmagan uchun ham ko`p hollarda aholining keng qatlamlari nomidan harakat qilish taassurotini uyg`otish maqsadida diniy shiorlardan niqob sifatida foydalanadilar. Bu esa o`z o`rnida ma`naviy qoloqlikni keltirib chiqaradi. Insonni har tomonlama fikrlashga undaydi. Jaholatga qarshi kurashish lozim. Ma`rifat bor joyda ezgu g`oyalar shakllanadi. Musaffo osmon ostida tinch yashayotganimizga shukrona qilishimiz lozim. Tinch, osoyishta va har bir ishga chin yurakdan yondashayotganimizdan juda baxtlimiz. Chunki, sevimli oilamiz, yoqtiradigan kasbimiz bilan shug`ullanayapmiz. Bu ham ma`naviy kamolotning bir belgisidir. Shunday yurtida o`qir ekanmiz faxr tuyg`usi bizni chulg`aydi. Muhtaram Prezidentimizning ``Yoshlarning ma`naviy olamini bolalikdan boshlab ezgu g`oyalar asosida shakllantirish va kamol toptirish`` haqidagi fikrlari bejizga emas. Inson hamisha o`z maqsad sari intilishi orqali o`sib boradi. Bu o`z o`rnida esa o`zini-o`zi tarbiyalay boshlaydi. Har qanday o`tkinchi o`y-u havasdan o`zini yiroqroq tutadi. Puch g`oyalar zanjiriga ilinib qolmaydi. Armonlari emas, balki uni amalga oshirish ishqida hayot bilan kurashadi. Bu kurashda eng avvalo unga ilm-ma`rifat hamrohlik qiladi. To`g`ri yo`lga

yo'naltirilgan salohiyatli inson osonlikcha yo'lini yo'qotmaydi. Yo'lning uzun yoki qisqaligi uning o'ziga bog'liqdir. Umr o'tgan sari har bir yilni sarhisob qilish lozim. Ubizlarni o'yirlantiradigan ishdir. Nahotki shu bugun shuncha ish qildim, deb o'ylaymiz. Kimningdir hayot yo'lida bu katta burilish bo'lishi esa bizning hayolimizga ham kelmaydi. Shuning uchun bu g'animat olamda har qanday qabih ishdan o'zimizni asrashimiz darkor. Bugun-erta nima bo'lishini bilmaymiz ham, lekin barchamizga quyoshli osmonimiz kulib boqsin. Yillar, umr, asrlar o'tgan sari hayot tajribasi bizni imtihon qila boshlaydi. To'g'ri o'tish esa o'zimizga bog'liq. Umr bo'yi to'plagan tajribamiz asosida kamchilikni to'ldirishimiz ham bejizmasdir. Ish, o'qish deb yuramiz, yuguramiz, yelamiz, beparvolik o'z domiga bizni tortadi. Yaqinlarimizdan xabar olish esa hayolimizga kelmaydi. Gohida esa o'z jigarlarimizga ham loqaydlik qilamiz. Buning barchasiga aybdor o'zimiz emasmi? Lekin bu haqida o'ylamaymiz. Ko'ngil degan tushunchalar borku, axir. Balki o'ziga dalda topish uchun ham o'zlari bilmagan holda turli xil g'oyalar domiga tushib qolar. Shirin so'zli inson tomon talpinadi. G'oyalar albatta bizga yoqimli tuyuladi. Lekin bu qanday ekanligi qiziqmas, go'yo. Dardimni tinglaydigan topdim deymiz. Adashib qolish esa hayolimizga kelmaydi. Yaqinlarimizga hisob berishga esa bizning vaqtimiz yo'q. Yolg'onlar asiriga aylandik. Uydagilarning aytgan nasihatlari kor qilmaydi. Amal qilishdan yiroqdamiz. Uning o'rnini allaqachon egallab bo'lgan turli ma'lumotlar haqida bosh qotiramiz. Bularning barchasi bizning ishimiz emasku. Boshidan mehrni uydan topganda edi, bu ayrilish bo'lmasdi. Bunga kim aybdor? Albatta o'zimizdir. Tinch, osuda yurtimizda yashayotganimizdan faxrlanamiz. Shu faxr tuyg'usi doim hamrohimiz bo'lsin.

Shohsanam Abduvaitova  
Muzeyshunoslik, 2 kurs talabasi

## Э Ё Л О Н !

Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети ва Ўзбекистон Давлат Консерваторияси ҳамкорлигида **2016 йил 1 март** куни “**ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ТИЛ, МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ТАРАҚҚИЁТИ**” мавзuida буюк аждодларимиз Алишер Навоий, Камолиддин Бехзод ва Захириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланган олий таълим муассасалараро илмий-амалий конференцияси ўтказилади.

*Илмий-амалий конференцияга қуйидаги йўналишлар бўйича мақолалар қабул қилинади:*

1. Темурийлар даври тасвирий ва амалий санъати.
2. Темурийлар даври ёдгорликларини ўрганилишининг долзарб муаммолари.
3. Темурийлар даврида тил ва адабиёт масалалари.

Конференция материаллари илмий тўплам шаклида чоп этилади. Мақолалар ўзбек, рус тилларида тақдим этилиши мумкин.

*Мақолалар қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:*

1. Матн ҳажми 3 бетдан кам бўлмаслиги керак;
2. Мақоланинг босма нусхаси ва электрон варианты тақдим этилиши зарур;
3. Word матн редакторида 14 pt ўлчамли Times New Roman шрифти билан 1 интервалда, қоғоз ўлчови А 4 210 x 197 мм;
4. Матн майдони юқоридан ва пастдан 2 см, ўнгдан 1,5 см, чапдан 3 см.
5. Мақола мавзуси катта ва қалин ҳарфлар билан ёзилиши, кейинги қатордан муаллифнинг исми, шарифи, иш жойи ёки ўқув юрти номи кўрсатилган бўлиши лозим;
6. Фойдаланилган адабиётлар камида 3 та номдаги адабиётни ташкил этиши зарур.
7. Адабиётлардан келтирилган иқтибослар матн охирига “Фойдаланилган адабиётлар” бандига кетма-кетликда, тартиб билан кўрсатилиши керак.
8. Муаллиф мақола қайси йўналишга мос эканлигини кўрсатиши зарур.

**Эслатма:** Мавзуга тегишли бўлмаган, таҳрир қилинмаган ҳамда имло хатолари билан тақдим этилган мақолалар илмий тўпламга киритилмайди.

Мақоланинг 1 саҳифаси учун тўлов 10.000 (ўн минг) сўмни ташкил этади.

Илмий мақолаларни 2016 йилнинг 20 февралига қадар қуйидаги электрон манзилга жўнатишингизни сўраймиз: [mrdi\\_info@umail.uz](mailto:mrdi_info@umail.uz)

**Координатор:** Умарходжаева Маъмура (моб.)+99890 908-22-84.;  
(иш)255-98-39 [mrdi\\_info@umail.uz](mailto:mrdi_info@umail.uz)

**Конференция ташкилий қўмитаси:** Тошкент шаҳри, Мироншоҳ кўчаси-123 уй.  
К.Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти.

### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

*А. Нуритдинов, Ҳ. Аминов, А.Ҳашимов, Д. Раҳматуллаева, А. Юсупов, С. Саидова, Л.Раупова, Р.Норчаев, С.Курбанов, А.Раҳматуллаева*

### Мухаррир:

*А.Раҳматуллаева*

*Дизайн*

*С. Курбанов*